

«BIOKIMYO» AJ

акциядорларининг 2025 йил 26 июндаги  
Умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
Йиғилиш раиси О.Хуррамов



## «BIOKIMYO» AKSIYADORLIK JAMIYATINING

Кузатув кенгаши аъзолариға ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш  
тўғрисидаги  
НИЗОМИ

(янги таҳрири)

Янгийўл шахри – 2025 йил

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги №775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” га Қарорлари, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан бўён матнда Кодекс деб юритилади) га мувофиқ ишлаб чиқилган ва жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш миқдори ва тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур низом хамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

1.3. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларнинг масъулиятини ошириш ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш орқали ижро этувчи орган аъзоларини рағбатлантириш (мукофотлаш)нинг асосий максади - уларнинг масъулиятини ошириш, корхонанинг молиявий ахволини доимий барқарорлигини таъминлаш, акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиш, корхонанинг соф фойдасини кўпайтириш, кузатув кенгаши фаолиятидан реал самарага эришиш, уларнинг ўз зиммасига олган масъулиятини оширишdir

## II. Низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар

2.1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

кузатув кенгаши – жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги** Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

ижроия органи - жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари - **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги** Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланган шахслар.

рағбатлантириш - ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ ёки вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар;

МҲЭКМ - Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори

## III. Ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга бўлган хуқуқ

3.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш амалга оширилади.

3.2. Юкоридаги ҳақ ва рағбатлантириш хуқуқига эга булган шахсларни тақдирлаш уларнинг ваколатлари бекор қилингунига қадар амалга оширилади.

3.3. Агар ҳақ олиш ва рағбатлантириш хуқуқига эга шахс - йиллик иш даври давомида ваколатларини тутатилган тақдирда, ҳақ ва рағбатлантириш (мукофотлаш) миқдори мутаносиб равища ваколатларини бажарган давридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

#### **IV. Ҳақ ва рағбатлантириш миқдорини аниқлашда ҳисобга олинадиган тамойиллар**

4.1. Кузатув кенгаши аъзоларини ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш(мукофотлаш) учун асосий тамойиллар:

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланган йиллик бизнес - режа қўрсаткичларининг бажарилиши;

- Акциядорларнинг моддий манфаатларига тўлиқ риоя қилиниши, дивиденд тўловларининг ўз вақтида тўлаб борилиши, муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарзлар бўлмаганилиги;

- Жамият бизнес-режа доирасида белгиланган прогноз қўрсаткичларининг бажарилиши, олинадиган соғ фойданинг ўсиши учун амалга оширилган ишлар натижаси бўйича;

- Кузатув кенгаши фаолиятининг йўналишларидан бири жамият инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва капиталлашув даражасини ўстириш бўйича ишларининг самарадорлиги бўйича;

- Жамиядта ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишчи-хизматчилар сонини оптималлаштириш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва корхона ишчи-хизматчиларига қўрсатилаётган хизматларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича;

4.2. Кузатув кенгаши аъзоларига чораклик рағбатлантиришлар жамият молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари бўйича;

#### **V. Ҳақ ва рағбатлантиришларнинг тури, миқдори, даврийлиги ва тўлов манбалари**

5.1. Ҳақ ва рағбатлантиришларнинг тури: доимий белгиланган, чорак яқунлари бўйича.

5.2. Тўловларнинг даврийлиги: хар ойда, хар чорак.

5.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш **бир чоракда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 (ўн етти бутун ўндан олти) бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади.**

5.4. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини ўрнини қоплаш мақсадида мазкур низомнинг 5.3. бандида белгиланган миқдор доирасида қуидаги доимий белгиланган ҳақ ва тўловлар тўланади:

- кузатув кенгаши аъзолари учун ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг – **3,5 (уч бутун ўндан беш)** баробари миқдорида;

5.5. Кузатув кенгаши аъзолари ҳар чорак якуни бўйича прогноз (бизнес-режа) қўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъминланганлиги, самарадорлик қўрсатгичларининг белгиланган миқдорлари бажарилганлиги хамда корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари “қониқарли” ва “юқори” деб эътироф этилган тақдирда рағбатлантирилади.

5.6. Ҳар чорак якуни бўйича кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига хисобланадиган рағбатлантириш миқдори мазкур низомнинг 5.5. банд талаблари бажарилган тақдирдагина ва 5.3. бандида белгиланган миқдор доирасида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг – **7,1 (етти бутун ўндан бир)** баробари миқдорида амалга оширилади ва белгиланади.

5.7. Кузатув кенгаши аъзоларининг ойлик ва чораклик рағбатлантириш миқдори аъзонинг хисобот даврида иштирок этган йиғилишлар сонига мутаносиб равишда хисобланади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва янги аъзолари сайланган холда рағбатлантириш микдори аъзонинг хисобот даврида (сайланган вақтидан келиб чиқиб) ишлаган ой ва иштирок этган йиғилишлар сонига мутаносиб равишда хисобланади.

5.8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг хисобот йили давомида бериладиган чораклик рағбатлантиришининг умумий микдори жамият томонидан йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 15 (ўн беш) фоизидан ошмаслиги керак.

5.9. Жамият маблағлари кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг манбаи ҳисобланади ва жорий йилнинг харажатлари ҳисобидан амалга оширилади.

5.10. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланган ҳақ ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги маълумотлар Қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

## **VI. Рағбатлантиришни тўлаш тартиби**

6.1. Кузатув кенгаши аъзоларига нисбатан ҳақ ва рағбатлантиришлар микдори қуидаги асослар бўйича камайтирилиши ёки умуман тўланмаслиги мумкин:

- хисобот даври давомида бўлиб ўтган йиғилишларнинг 50% дан кўп бўлмаган қисмида сабабсиз (хизмат сафарлари, отпуск, касаллиги булардан мустасно) қатнашмаганлиги сабабли 25% фоизга камайтирилади;

- хисобот даври давомида бўлиб ўтган йиғилишларнинг 50% дан кўп бўлган қисмида сабабсиз (хизмат сафарлари, отпуск, касаллиги булардан мустасно) қатнашмаганлиги сабабли умуман тўланмайди;

- жамият молиявий ахволини ёмонлашиши ва белгиланган қоунчиликни бузилишига олиб келган ёки олиб келадиган масалаларни тавсияси ёки ташабbusи билан чиқиши сабабли;

- жамият молиявий ахволини ёмонлашиши ва белгиланган қоунчиликни бузилишига олиб келган ёки олиб келадиган муҳим маълумотларни яшириши сабабли;

- кузатув кенгаши аъзоларига нисбатан қилинган шикоятлар ўз исботини топган холда;

6.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия органи аъзоларини чораклик рағбатлантириш жамиятнинг молиявий натижалари, фаолият самарадорликлари ва корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳолангандан сўнг амалга оширилади.

6.3. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ёки янги аъзолари сайланган холда чораклик рағбатлантириш микдори аъзонинг хисобот даврида иштирок этган йиғилишлар сонига мутаносиб равишда хисобланади.

6.4. Кузатув кенгаши котиби хисобот даври (ой, чорак) тугагандан сўнг 5 санада ҳақ ва рағбатлантириш микдорлари тўғрисида маълумотларни жамият бухгалтериясига тақдим қиласи.

6.5. Жамият кузатув кенгаши раисига жамият ижроия органи раиси ва аъзоларини чораклик рағбатлантиришда меҳнат бурчларини бажарганлиги ва фаол қатнашган аъзоларига 25% гача қўшимча ҳақ тўлаш хамда “Меҳнат ва ижро интизомини” бузган аъзоларига нисбатан рағбатлантириш микдорини камайтириш ёки умуман рағбатлантирмаслик ваколати берилади.

6.6. Кузатув кенгаши аъзоси кузатув кенгаши раиси ёки жамият ижроия органи раҳбари номига ариза юбориш йўли билан мазкур низомда белгиланган рағбатлантиришлардан тўлиқ ёки қисман рад этиши мумкин.